



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
“КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири:
и.ф.н.,доц. Р.Б. Исмоилов _____

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ ” _____ 2013 йил

**“Иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича битирувчи
АТАХАНОВ КОЗИМНИНГ**

**“ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ШАРОИТЛАРИДА САНОАТ
КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи: Атаханов Козим _____

Илмий раҳбар: и. ф. н.,доц Р.Б. Исмоилов _____

Наманган – 2013 й.

МУНДАРИЖА

- Кириш.....**
- Фаол инвестиция сиёсати шароитларида саноат**
- 1-боб. корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари**
- 1.1. Инвестиция тушунчаси ва унинг моҳияти
- 1.2. Иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини таъминлашда инвестицияларнинг йўналишининг аҳамияти
- 1.3. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари
- 2-боб. Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ҳолати таҳлили**
- 2.1. Наманган вилоятида саноат корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ҳолати таҳлили.....
- 2.2. Наманган вилоятида саноат корхоналарининг жалб қилувчанлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....
- Фаол инвестиция сиёсати шароитларида саноат**
- 3-боб. корхоналарига инвестициялар жалб этишни такомиллаштириш йўллари**
- 3.1. Инвестиция киритилишини давлат томонидан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари
- 3.2. Корхоналар самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш масалалари.....
- 3.3. Фаол инвестиция шароитларида саноат корхоналарида инвестицияларни тартибга солиш йўллари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир паллада ҳар бир мамлакатда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали мавжуд корхоналарни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда янгиларини ташкил этиш лозимлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бундан кўринадики инвестиция жалб қилишда ҳам ўзига хос талаб ва таклиф муносабатлари катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда инвестицияга бўлган талаб жуда юқори эканлигини фаҳмлаш мумкин. Шу боис, инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона татибга солиш асосида ички ва ташқи молиявий манбаларни, барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиётнинг келажагини белгилайди.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда. Бу борада Президентимиз И.Каримов 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида “Мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимиغا

салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратаётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман”¹.

Бундан кўринадики, мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида, иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам ватанимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ташқи инвестицияларни, шу жумладан чет эл сармоясини кенг кўламда жалб қилиш ҳозирги миллий иқтисодиёт таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шарти бўлиб қолади. Бунинг учун эса

¹.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқамиз қаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

албатта, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш ва тўғри фойдаланишда молиявий йўқотишларни камайтириш, иқтисодий самарадорликни оширишни таъминлашда муайян бир илмий тадқиқотлар асосида таклиф этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида, долзарб бўлганлигидан ушбу мавзунини битирув малакавий ишига мавзу сифатида танлаб олинди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ва хорижий мамлакатлардаги етакчи иқтисодчи олимлар мазкур масала бўйича қатор тадқиқотларни амалга оширганлар.

Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Даниэль Ситарз, Гордона Л. Бултена, Эрика О. Хайберга, Гранберг А.Г., Данилов-Данильян В.И., Циканов М.М., Пшихачев С.М., Васильева Н.К. ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий масалалари бўйича С.С. Ғуломов, М.Қ. Пардаев, О.Ю.Рашидов, Б.Б.Беркинов, Б.Ғойибназаров, Б.Т.Байхонов, ва бошқалар чуқур изланишлар олиб борганлар.

Айниқса, ҳозирги иқтисодиётни модернизация қилиш шароитини ҳисобга олган ҳолда ушбу масала янада жиддий эътибор қаратишни талаб этади. Муаммонинг ҳозирги вақтда долзарблигини инобатга олиб, уни битирув малакавий ишига мавзу сифатида қабул қилинди, мақсад ва вазифалар белгиланди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади жаҳон молиявий-иқтисодий шароитида енгил саноат корхоналарига инвестицияларни жалб этиш бўйича илмий асосланган таклифлар тузишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни ва уларнинг афзалликлари, молиялаштириш манбалари тўғрисида назарий асосларини чуқур ўрганиш;

- инвестициялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ва усуллари, енгил саноат корхоналарида инвестициялардан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

- Наманган вилоятидаги ОАО “Норин” ишлаб чиқариш корхонасининг ривожланиши ва унга таъсир кўрсатаётган омилларни таҳлил қилиш;

- Корхоналарни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш;

- Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида енгил саноат корхоналарига инвестициялар жалб этишда самарадорликка эришишнинг услубий ёндошувларни ўрганиш;

- Енгил саноат корхоналарида инвестициялардан самарали фойдаланиш истиқболларини белгилаш ва ҳоказо.

Битирув малакавий ишининг предмети. Енгил саноат корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш муаммолари ҳамда уларни ҳал этиш йўллари битирув малакавий ишининг предмети ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг объекти. Наманган вилоятидаги ОАО “Норин” ишлаб чиқариш корхонаси битирув малакавий ишининг объектини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари қилиб Президентимиз И.А.Каримовнинг маъруза ва асарларида баён этилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга ошириш бўйича илгари сурилган фикр-мулоҳазалар ва асосий йўналишлар, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, иқтисодчи олимларнинг ушбу йўналишда амалга оширган илмий ишлари, хўжалик юритувчи субъектларда эришилган илғор тажрибалар олинди.

Битирув малакавий ишининг янгилиги. Битирув малакавий ишининг янгилигини белгиловчи жиҳатлар қуйидагилардир:

- “инвестиция” тушунчалари кенг талқин қилинган ва унга таъриф берилган;

- Миллий иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар тақсимооти комплекс баҳоланган ва уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг услубий асослари яратилган;

- инқироз шароитида хўжалик субъектларини барқарор ривожлантиришга инвестициялар жалб этишнинг асосий йўналишлари таклиф этилган;

- хўжалик субъектларида инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилган.

Битирув малакавий ишининг хажми ва тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-боб. Фаол инвестиция сиёсати шароитларида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари.

1.1. Инвестиция тушунчаси ва унинг моҳияти.

Ҳар қандай корхона ўз фаолиятини бошлаши, кенгайтириши ва янгилashi учун инвестицияларга зарурат сезади. Инвестициялар корхоналарни ривожлантириш, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилларидан биридир. Шундай экан, Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ёки мавжудларини реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш авваломбор, иқтисодиётни ривожланиши, аҳоли бандлигини таъминланиши, унинг иш ҳақи ва даромадларини оширилиши каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам ватанимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий

имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашга эришилади.

Инвестиция иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи омиллардан бири ва инвестициялаш жараёнлари иқтисодиёт таркибини қайта қуришнинг асосий негизини ташкил этганлиги сабабли бу соҳада мамлакатимизда бир канча ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, бир неча маҳалий олимларимизнинг ўз тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда инвестиция тушунчасига берган таърифларини келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Академик С.С. Ғуломовнинг таърифича: “инвестиция деб, ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга сарфлашига айтилади”² ёки М.Қ.Пардаевнинг таърифига кўра “инвестиция деганда мулкдорнинг (инвесторнинг) пул маблағи, қимматбаҳо қоғозлари, техникаси ва технологияси, машина ва жиҳозларини, мулкка эгалик ҳуқуқи, интеллектуал мулки кабиларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан фойда олиш мақсадида тadbиркор фаолиятига қўйиш тушунилади”.³ Ушбу таърифлар бизнингча, инвестициялар хусусида қонуниimizда келтирилган кўрсатмаларни кенгайтирилганига мос келади.

Дикқатга сазовор яна бир таъриф, “Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир”⁴.

Шунингдек, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида таъриф берилганидек, иқтисодий ёки бошқа фаолият объектига сарф қилинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Молиявий моҳиятига кўра

² Менежмент ва бизнес асослари (дарслик). С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида.Т.: Мехнат.1997. 245б.

³ Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлили. Услубий қўлланма.-СамДУ.: 2001. 66

⁴ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В, Мирзаев И.Қ. Иқтисодиёт назарияси-2 Ўқув қўлланма.:Т-2007.124-бет

инвестициялар даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланадиган барча турдаги активлардир (воситалардир).

Олимларнинг ва «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида “инвестиция” тушунчасига берган таърифларини бозор иқтисодиёти талабларига мос келиши, инвестициянинг иқтисодий мазмунини тўғрисидаги фикрларни умумлаштириб, қуйидагича таъриф киритилмоқда: “Инвестиция – фойда олиш мақсадида ўз эҳтиёжидан ортган моддий ва номоддий бойликларини бирор тадбиркорлик фаолиятига таваккалчиликка асосланган ҳолда қўйилишига айтилади” Бу ерда номоддий бойлик деганда бирор шахснинг ёки жамоанинг ақлий фаолияти томонидан яратилган “янги технология” тушунилади.


Демак, инвестициялар ўз ичига фойда (даромад) олиш ва ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига сарфланган пул маблағлари, шунингдек, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар, бошқа қимматбаҳо қоғозлар, технологиялар, машина ва ускуналар, лицензиялар (шу жумладан, товар белгилари), кредитлар, ҳар қандай бошқа мулк ва мулк ҳуқуқларини ҳамда интеллектуал бойликларни олади.

Ушбу таснифий ёндашувлар ва уларнинг асосини ташкил этадиган белгилар инвестицияларни бошқаришда, инвестицион фаолиятларни ижобий амалга оширишда ва тизимли ёндашувни кўзлаган ҳолда кўплаб вазифалар мажмуини ҳал этиш имконини беради.

Соф харажатларнинг, инвестицияга бўлган харажатининг миқдори иккита омилга, яъни, соф фойданинг кутилаётган меъёри ва фоиз ставкаси ёки тадбиркор реал капитални сотиб олишга зарур бўлган пулга эга бўлиши учун тўлаши лозим бўлган баҳога тенг. Агарда кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ёки аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда миқдоридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Иқтисодий моҳиятига кўра, инвестициялар асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш ёки реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш

учун қилинадиган харажатлардир. Бундан ташқари, тижорат амалиётида инвестицияларнинг уч шакли бир-биридан ўзаро фарқланади(1.1-расм).



1.1-расм. Тижорат амалиётида йўналтириладиган инвестицияларнинг шакллари.

Физик активлар деганда, асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳар қандай машина ва ускуналар тушунилади.

Пул активлари деганда, бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларини олиш ҳуқуқи, масалан, банкдаги депозитлар, акциялар, облигацияларни англатади.

Номоддий активлар ходимларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, лицензиялар сотиб олиш, савдо белгиларини ишлаб чиқариш натижасида фирма эга бўладиган бойликлардир.

Қимматбаҳо қоғозларга қилинадиган инвестициялар «портфель инвестициялари», физик активларига қилинадиган инвестициялар эса реал инвестициялар, деб аталади.

Инвестицияларнинг ҳар икки тури ҳам корхоналар барқарор ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга. Портфелли инвестициялар муаммолари молиявий менежмент соҳасида чуқур ўрганилишини таъкидлаган ҳолда бу ўқув қўлланмада кўпроқ реал активларга қилинадиган инвестицияларга эътибор қаратилади.

1.2. Иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини таъминлашда инвестицияларнинг йўналишининг аҳамияти.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёқилғи энергетика ва дон мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун устувор соҳаларни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун очиқ эшиклар сиёсатини олиб бориш кабиларга қаратилди. Инвестиция сиёсатни олиб боришда қуйидаги тамойилларга асосланилади:

- белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқлар ва фаолият соҳаларини танлаб қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий аҳамиятли тармоқларни (соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва ҳ.к.) аҳоли турмуш даражасини яхшилиш, умрини узайтириш, ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишнинг олдини олиш, истеъмол талабининг фаоллашувини таъминлаш мақсадида етарли даражада қўллаб-қувватлаш;
- чет эл инвестицияларини ўзаро манфаатдорлик асосида устувор соҳаларга жалб қилиш;
- потенциал инвестиция ресурсларини савдо соҳаси ва пул бозоридан саноат соҳасига қайта тақсимлаш;
- илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-қувватлаш, хориждан янги техникалар учун лицензиялар сотиб олиш, катта лабораторияларни сақлаб туришга қуввати етадиган йирик корпорациялар тузиш орқали ишлаб чиқариш капиталини жамлаш ҳисобига интеллектуал капитал ва илмий-техник потенциални ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва уларни ташқи бозорда рақобатбардош бўладиган даражага олиб чиқишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг озиқ-овқат ва истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватларини жадал ривожлантиришни инвестициялар билан таъминлаш;

- инвестиция жараёнлари иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини тартибга солиб турувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш.

Инвестиция сиёсатида инвестиция манбааларини кўпайтиришда асосий эътибор инвестиция муҳитини ташкил этиш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилади. Инвестиция муҳитини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири сифатида мамлакатда инвесторлар учун яратилган имтиёзлар ва кафолатлар назарда тутилади. Инвесторлар учун солиқ имтиёзларини бериш амалиётда кенг қўлланиладиган тадбирдир. Масалан, республикамизда корхоналар фойдасининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва қайта қуроллантиришга сарфланган қисми солиққа тортилмайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари, болалар ассортиментидаги ҳамда экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш каби бир қатор соҳаларда янги очилган корхоналар солиқлардан вақтинча озод этилиш, умумий солиқ ставкаларга нисбатан пастроқ солиқ ставкалари қўлланилиши каби имтиёзларга эга бўладилар.

Инвестиция манбаларини шакллантириш борасида давлат кўрадиган чора-тадбирлар инвестицияларнинг ички манбаларига тегишли бўлиб, асосан солиқ-бюджет сиёсати ва пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида давлат, аҳоли, корхона, банк ва давлат бюджети маблағларини шакллантириш, қайта тақсимлаш ва улар ўртасида маълум пропорцияларни юзага келтиришга қаратилган. Масалан, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши аҳоли ва корхоналар даромадларининг ошишига, инвестициялар манбаи бўлган аҳоли жамғармалари ва корхоналарнинг соф фойдаси миқдорларининг кўпайишига олиб келади. Айни пайтда инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилишида бу икки гуруҳнинг улуши ошади. Жами инвестициялар ҳажмида банк

кредитлари, корхона ва аҳоли маблағлари ҳиссасининг юқори бўлиши бозор иқтисодиёти шароитида ижобий ҳодиса ҳисобланади.

Бир қатор давлатларда қўлланиладиган жадаллаштирилган амортизация усули ҳам корхоналарда инвестиция маблағларининг тезроқ жамланишига олиб келади ва инвестиция жараёнларини тезлаштиради. Инвестиция сиёсатининг энг муҳим бўғини инвестиция маблағларини энг устувор ва аҳамиятли тармоқлар ва ҳудудларга жалб қилиш борасидаги чоратадбирларни ўз ичига олади. Бу мақсадда, мамлакат иқтисодиётида устувор деб белгиланган тармоқлар ва ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини яратиш зарур. Инвестиция муҳити бир қатор шарт-шароитларга қараб баҳоланади. Бу шарт-шароитларга сиёсий барқарорлик, инфляция ва ишсизлик даражалари, бюджетнинг тўлдирилиши даражаси, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки ва хусусий секторнинг ривожланиши даражаси, иқтисодиётнинг, хусусан, ташқи савдо, валюта бозорларининг эркинлиги, бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, табиий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдалана олиш имкониятлари, ишчи кучининг малакаси, солиқ тизимининг хусусиятлари, банк фоиз ставкалари, бозор сиғими ва бошқалар киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Давлат томонидан олиб борилаётган қўллаб-қуватлаш сиёсати асосида корхоналарга, айниқса эндигина иш бошлаган хорижий инвестицияли ёки бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга солиқ имтиёзларини бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Корхоналар мана шу имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалга оширмайдилар ва шу суммаларни ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришга йўналтирадилар. Бундан ташқари, корхоналар ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиш ёки ижарага бериш орқали ҳам қўшимча маблағларга эга бўлишлари мумкин.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг

жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этади.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги ҳом ашё ҳамда ресурсларга бўй мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодий тармоқлари ҳақида сўз бормоқда.

Ана шу мақсадларга еришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади.

Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, яқуний ишлаб чиқариш шаклига ега бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур. Бу ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу лойиҳалар синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, полиетилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги, замонавий газ-кимё комплексларини барпо этиш, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ҳамда янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур дастурга киритилган ҳар бир лойиҳа бўйича идоралараро ишчи гуруҳларини тасдиқлаши лозим. Бу ишчи гуруҳлар лойиҳаларнинг барча босқичларда амалга оширилиши ва фойдаланишга топширилишини тизимли асосда кузатиб, катъий назорат қилиб бориши зарур. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш иқтисодий ўсишнинг энг муҳим устувор вазифаси сифатида албатта изчил давом эттирилади.

Мамлакатимизда тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг фаолияти юксак баҳолашга моликдир. Жорий этилган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестициялар киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усуллари татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутди.

Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технологик жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни банклардан фаол сотиб олмоқда. Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга

оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги бунда асосий омил бўлиб келмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини, хусусан саноат ишлаб чиқаришини ривожлантирилиши ва иқтисодий ўсишга эришиши учун, инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш лозим. Шу нуқтаи назардан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати инвестиция сиёсатида айнан юқорида кўрсатилган йўлни танлади. Натижада 2008 йилда 1,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, уларнинг 74 фоиз тўғридан-тўғри жалб қилинадиган инвестициялар улушига тўғри келади. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўпдир. Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Бу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Ушбу кўрсатилган иқтисодий кўрсаткичларни янада ошириш учун ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси сифатида ислохотларни давом эттириш, ишлаб чиқариш тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш вазифаларини сўзсиз бажариш, шу асосида иқтисодий ривожланишининг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

2010 йилда ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция

фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати канчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди ва бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар бу билан чегараланиб қолмайди. Чунки, барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 7 фоизга туширилиши тўғрисида қарорни қабул қилиниши, ўз навбатида, кичик бизнес корхоналарининг ЯИМдаги улушини 52,5 фоизга етказиш вазифасини кўймоқда.


Бу эса кичик бизнес ва тадбиркорларни инвестиция маблағлари билан таъминланишини, уларнинг фаолиятини ривожлантириш лозимлигини келтириб чиқаради. Албатта бу борада бажариладиган ижобий ишлари бу билан чегараланиб қолмайди. Жумладан, Тикланиш ва тараққиёт фондининг таркибий ўзгаришлардаги роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2014 йилгача унинг низом жамғармасини икки баробар, яъни 5 миллиард доллардан 10 миллиард долларга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1.3. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари.

Ҳозирги кунда айниқса, иқтисодийни модернизация қилиш шароитида инвестициялаш ҳар қандай тижорат фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Мавжуд моддий-техника базасини янгилаш, ишлаб чиқариш объектларини юксалтириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш инвестицияларга эҳтиёж туғдирадиган сабаблардир.

Инвестициялар, манбаларига кўра, ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади. Ички инвестициялар манбалари давлат бюджети, корхоналар ва аҳоли маблағлари, банк кредитлари ҳамда нобюджет жамғармалари маблағлари, ташқи инвестициялар манбалари бўлиб хорижий давлатлар ва фирмаларнинг, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобланади. Инвестицияларни манбаларига кўра бундай гуруҳлаш уларнинг манбалари бўйича тузилишини ҳам белгилаш имконини беради. Иқтисодий

таҳлил мақсадларида ва амалиётда инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилиши билан фарқланади(1.6-расм).



1.6-расм. Инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилиши

Инвестицияларнинг тармоқ (худудий) тузилиши алоҳида тармоқ (худуд)нинг маълум даврда қилинган инвестиция сарфларидаги улушини кўрсатса, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши жами инвестициялар манбаи ва сарфидаги давлат ҳамда нодавлат мулки объектларининг хиссасини кўрсатади.

Инвестицияларнинг технологик тузилиши қурилиш-монтаж ишлари, ускуна ва инвентарлар ҳамда бошқа харажатлар (лойиҳа-қидирув ишлари, бошқарув харажатлари ва ҳ.к.)га қилинган харажатларнинг жами инвестиция харажатларидаги улушини кўрсатади.

Такрор ишлаб чиқариш тузилиши янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва қайта қуrolлантириш мақсадларида сарфланган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши кўринишида аниқланади.

Хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожланиб бориши натижасида турли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт юзага келади. Бунинг оқибатида давлат бюджети маблағлари эвазига инвестициялаш камайиб боради. Бундай ҳолларда асосан давлат бюджети томонидан тиббиёт, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалари молиялаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

Бунга мисол сифатида, кейинги пайтларда мамлакатимизда кенг миқёсда курилиб фойдаланишга топширилаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежларини ва бошқаларни келтириш мумкин. Албатта, бундай мақсадлар учун давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан маблағ ажратилади.

Иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилиб бориши натижасида Республикаimizдаги мавжуд корхоналар ривожланиб, молиявий жиҳатдан барқарорлашиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик жихозлаш учун корхоналарда ўз–ўзини молиялашнинг янги маблағлари хусусан, корхоналарнинг ўз–ўзини молиялашнинг янги маблағлари шаклланиб бормоқда. Корхоналарнинг ўз–ўзини молиялаштириш маблағлари қўйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- корхонанинг тақсимланмаган фойдаси;
- амортизация ажратмалари фонди;
- акциялар чиқариш ҳисобига шакллантирилган маблағлар;
- махсус фондлар.

Юқорида санаб ўтилган маблағлар манбаидан корхоналар ўз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришда, янги ишлаб чиқаришни барпо қилишда, модернизациялаш ёки техник–технологик жиҳатдан янгиланишда, аборт маблағларини кўпайтиришда фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ва бошқа ёрдам маблағлари ажратилмоқда.

Инвестициялар тузилишини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатиға боғлиқ. Макроиқтисодий назарияда инвестициялар, уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари, ҳукумат харажатлари ҳамда соф экспорт харажатлари билан бирга жами харажатларни(жами талаб) ташкил этади ёки унинг бир қисми деб қаралади. Яъни:

$$J_x = C + I + G + X_n \quad (1)$$

Бу ерда: J_x —жами харажат(жами талаб);

C – уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари;

I – инвестиция;

G – ҳукумат харажатлари;

X_n – соф экспорт харажатлари.

Инвестиция маблағларининг асосий манбаи бўлиб ёпиқ ва очик иқтисодиёт шароитида айрим фарқланиш мавжуд бўлади:

- ёпиқ иқтисодиёт шароитида мамлакатдаги уй хўжаликлари жамғармалари ҳамда ҳукумат жамғармалари ҳисобланади:

$$S = S_p + S_g \quad (2)$$

бу ерда: S – инвестиция маблағларининг асосий манбаи;

S_p – уй хўжаликлари жамғармалари;

S_g – ҳукумат жамғармалари.

- очик иқтисодиёт шароитида бунга хорижга чиқариладиган мамлакат ички жамғармалари билан хориждан инвестициялар ва кредитлар кўринишида кириб келадиган жамғармалар ўртасидаги фарқ ҳам қўшилади:

$$S = S_p + S_g + \Delta S \quad (3)$$

бу ерда: ΔS – хориждан инвестициялар ва кредитлар кўринишида кириб келадиган жамғармалар ўртасидаги фарқ.

Инвестициялар ҳажмидаги у ёки бу манба улуши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, мамлакатдаги даромадлар даражасига, ижтимоий тузилмага, амалга оширилаётган иқтисодий вазифалар, иқтисодий сиёсат стратегиясига боғлиқ.

Маълумки, миллий иқтисодиётда яратилган ялпи даромад(ЯММ)нинг бир қисми турли шаклларда истеъмол қилинади, бир қисми эса юқорида кўрсатилган шаклларда жамғарилади. Миллий иқтисодиётга қилинган жами инвестиция харажатлари билан ялпи жамғармалар ўртасида тенгликка эришиш, яъни $I=S$ айниятнинг таъминланиши макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг муҳим шартларидан биридир.

Бу айниятга ўз-ўзидан эришилмайди, чунки уй хўжаликлари нафақат сармоя сифатида фойдаланиш мақсадида, балки кутилмаган харажатлар, қимматроқ буюмлар харид қилиш учун ҳам маблағ жамғарадилар. Яъни, жамғармаларнинг бир қисми инвестицияларга келиб қўшилмайди. Бундай вазиятда ҳукумат инвестиция харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олиши ёки хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали юқоридаги айниятни таъминлаши, бу учун эса мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиши лозим. Самарали бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсати, инвесторларга яратилган кафолатлар ва имтиёзлар ҳамда макроиктисодий барқарорлик бу муҳитни белгиловчи шартлардир. Айниқса инфляция суръатларининг юқори бўлиши жамиятда инфляцион психоз ҳолатини юзага келтириб, истеъмолга чекланган мойилликнинг ортишига, жамғармалар ва охир-оқибат инвестициялар ҳажмининг пасайишига олиб келади.

Инвестиция манбалари сифатида аҳоли даромадлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикамиз иқтисодиётида хусусийлаштириш ва эркинлаштириш асосида кўплаб инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга аҳоли жамғармаларини ташкил этувчи маблағларни жалб этиш ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аҳоли маблағлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг зарур манбаси ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши аҳоли маблағларини тўғридан-тўғри инвестицияларга йўналтириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Республикамизда ҳам қимматли қоғозлар бозори шаклланиб бормоқда, аҳолининг бўш пул маблағларини жамғариш тижорат банкларида амалга оширилмоқда ва ушбу жамғарма маблағлари кўпроқ қисқа муддатли кредитлашга йўналтирилмоқда.

Ички инвестиция манбалари чекланган бир шароитда, айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар учун чет эл инвестицияларини жалб

килиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода 2011 йил Давлат инвестиция дастури устувор инвестиция таклифлари йиғма рўйхатига эътибор қаратилса, жами 146 та (10461 млн. АҚШ долл) инвестиция таклифи киритилган бўлиб, унга кўра: имтиёзли хорижий кредитлар ҳисобидан 51 та (5284 млн. АҚШ долл), тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига 84 та (5063,1 млн. АҚШ долл) ва 11 та (114 млн. АҚШ долл) лойиҳа корхоналарнинг ўз маблағлари ёрдамида инвестициялаш кўзда тутилган.

Бундай ижобий натижаларга эришишда, хорижий инвесторлар учун, улар оладиган яқуний молиявий натижаларига бевосита ва билвосита таъсир этадиган бир қатор имтиёзлар ва кафолатлар тизимини яратилганлигидан далолат беради. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида чет эл инвестициялари иштирокида бунёд этилган энг йирик саноат объектлари республикаимизнинг экспорт салоҳиятини оширди, экспорт ва импортнинг товар тузилишида ижобий силжишларга эришиш, мамлакатнинг тўлиқ ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлаш имконини берди.

II-боб. Наманган вилояти ишлаб чиқариш корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ҳолати таҳлили.

2.1. Наманган вилоятида саноат корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ҳолати таҳлили.

Наманган вилоятида иқтисодиётнинг барча тамоқларига инвестициялар жорий этилган. Масалан 2012 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми вилоят бўйича 127312,5 млн. Сўмга тўғри келган бўлса, жумладан чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига уларнинг 10563,1 млн. Сўмлиги тўғри келади. Вилоят иқтисодиётининг тармоқлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар ишлаб чиқариш соҳасида 52573,2 млн. Сўмга тенг бўлган бўлса, жумладан унинг 4827,9 млн. Сўмлиги чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳисобига амалга оширилган.

Хорижий инвестицияларнинг асосан 4828,0 млн. Сўми саноат корхоналарига, 2743,0 млн. Сўми халқ таълими соҳасига, 2030,0 млн. Сўми соғлиқни сақлаш соҳасига 932 млн. Сўми бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Бундан ташқари ҳисобот даврида вилоятда хорижий сармоя иштирокида 7 та қўшма корхона фаолият бошлади. Булар Наманган туманидаги “AISHA HOME TEXTILE”, Ўзбек-Хитой қўшма корхонаси “TURBO PLAST PLUS”, “UNILEVER CHEMICAL” Ўзбек-Корея қўшма корхонаси, Поп туманида “ABDUMALIK-LAZIZ IMPEX” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбек-Молдова қўшма корхонаси, Наманган шаҳридаги Хитойнинг “VERIGROW IPAGI” хорижий корхонаси, “NAMANGAN CHICKEN PRODUCTS” хорижий сармоядор иштирокидаги масъулияти чекланган жамияти корхоналаридир.

Натижада 2013 йил 1 январ ҳолатига Наманган вилоятида хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар сони 69 тани ташкил этиб, қўшма корхоналарнинг 54 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 6 таси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида, 2 таси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта

ишлашга, 2 таси телекоммуникация ва 1 таси фармацевтика соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

2.1.1-жадвал

Наманган вилоятида инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2012 йил 2011 йилга нисбатан
	<i>Рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар</i>	Бир-лик	57	54	63	69	109,5
	<i>Шу жумладан:</i>						
1.	Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар	Сони	49	47	55	61	110,9
2.	Фаолият кўрсатмаётган қўшма корхоналар	Сони	8	7	8	8	100,0
3.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари	Млн. сўм	87535,3	155852,9	209043,9	268790,5	128,6
	<i>Қўшма корхоналар ташқи савдо айланмаси</i>	Минг долл.	68253,6	94835,2	109123,9	106881,4	97,9
	<i>Шу жумладан:</i>						
1.	Экспорти	Минг долл.	20410,8	50508,2	48584	49886,2	102,7
2.	Импорти	Минг долл.	47842,8	44327	60539,9	56995,2	94,1

2012 йилда вилоятдаги қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 268,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 98,9 фоизни ташкил этиб, минтақада ишлаб чиқарилган жами маҳсулотлардаги улуши 20,9 фоизга етган.

Вилоятда 2012 йил давомида 106,8 млн. долларлик (98,9%) ташқи савдо амаллари бажарилиб, шундан экспорт 49,8 млн.долларни (108,9%), импорт 57,0 млн. долларни (91,6 %) ташкил этди.

Экспорт ҳажмининг 18,9 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 14,2 фоизини хизматлар, 0,3 фоизини энергия ресурслари ва 67,2 фоизини бошқа турдаги маҳсулотлар ташкил қилди.

Шунингдек, жами импорт хажмининг 42,7 фоизини машина ва асбоб-ускуналар, 12,3 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари, 27,3 фоизини кимёвий маҳсулотлар, 8,3 фоизини қора ва рангли металллар ва 9,4 фоизини бошқалар ташкил этади.

2.2. Наманган вилоятида саноат корхоналарининг жалб қилувчанлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Наманган вилояти иқтисодиётига хорижий инвесторлар сармояларини жалб қилишга қуйидаги шарт-шароитлар мавжуддир:

- чет эллик ҳамкорларни жалб этиш учун солиқ ва божхона имтиёзлари;
- об-ҳавонинг республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан қулайлиги;
- қулай географик жойлашув;
- мамлакатнинг муҳим транспорт коридорлари туташувида жойлашганлиги;
- Фарғона водийсига олиб боровчи ягона автомобил йўлида жойлашганлиги;
- минерал ресурслар ва қазилма бойликлар;
- инсон ресурслари:
 - а) деярли 100 фоиз саводлилик даражаси;
 - б) ишчи кучининг мавжудлиги.

2.2.1.-жадвал

2012 йил январ-декабр ойларида капитал қўйилмалар ҳажмлари кўрсаткичлар таҳлили

Млн. сўмда,

Вилоятлар бўйича	Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми					
	Жами		Йирик корхоналар		Кичик корхоналар ва микро фирма	
	2011 йил	2012 йил	2011 йил	2012 йил	2011 йил	2012 йил
Мингбулоқ	18956,0	24625,1	4871,3	5901	3471	2169,7
Косонсой	29523	42883,1	10736,3	9665,7	1913,2	12208,1
Наманган	39338,9	6461,2	14238,6	29700,1	1872,5	4373,7
Норин	21373,5	29575,7	4034,7	1587,2	3335,3	7103,7
Поп	38955,5	49793,2	12582,3	10144,5	1891,2	4607
Тўрақўрғон	31394,5	42948,6	6132,5	6996,9	4135,2	7942,9
Уйчи	44825,5	56613,3	8766,2	8272,2	14197,8	14430,6
Учқўрғон	33346	38076,7	12477,3	10242,4	941,7	8559,4
Чортоқ	31686,1	39668,6	7371,1	7446,5	6311,1	6295,6
Чуст	44104,1	48578,9	12089,3	12405,6	9212,2	8082,1
Янгиқўрғон	39125,9	49611,7	12919,8	9445,7	6012	13650,7
Наманган шаҳри	220994,6	241509,7	158171,6	200897,4	49622,9	20022,4

Манба: Наманган вилояти статистика бошқармасининг 2013 йил маълумотлари.

Ҳозирда Наманган вилояти иқтисодиётига ўзлаштирилаётган чет эл инвестициялари кўлами минтақаларда мавжуд экспорт имкониятларига (табiiй-иқтисодий, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятлари) нисбатан анча паст даражада бўлмоқда. Мавжуд ҳолат сабабини қўшни Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши каби ташқи омиллар билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, хорижий сармоядорлар нафақат мамлакатдаги ички

сиёсий барқарорликни, балки қўшни давлатлардаги мавжуд ҳолатни ҳам алоҳида эътиборга олишади. Шу нуқтаи назардан қараганда 2005-2008 йилларда иқтисодийга хорижий инвестицияларни йўналтиришда мавжуд ташқи омиллар сезиларли даражада салбий таъсир қилди. 2011-2012 йиллар мобайнида ички ва ташқи сармоя манбаларини жалб этиш ҳисобига иқтисодий жиҳатдан етарли ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга эришилади. Бу эса мавжуд ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлагани ҳолда, минтақаларга чет эл инвестицияларини янада кенг миқёсда ўзлаштиришга имкон беради. Пировардида барча минтақалар ўз экспорт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда юқори сифатли, рақобатбардош ҳамда замонавий маҳсулотлар билан жаҳон бозордан муносиб ўрин ола бошлайди.

Хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳудудий жиҳатдан ёндашув Республиканинг ҳар бир ҳудудининг ривожланишини таъминлашга имкон беради.

Агарда хорижий инвестиция иштирокидаги корхона Фарғона водийси вилоятларининг қишлоқ ҳудудларида бўлса, у ҳолда қуйидаги солиқлардан тўлиқ озод этилади:

- ягона солиқ тўлови;
- даромад (фойда солиғи);
- мулк солиғи;
- инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кескин фарқланишни олдини олиш борасида кўрилаётган чораларга қарамасдан, ҳозирги вақтда ХИКларни ташкил этиш ва фаолият юритишида ҳудудий номуносиваликлар кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида экспорт-импорт операциялари ҳажмларида катта фарқланишни юзага келтирмоқда. Андижон, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳри экспорт даражаси барқарор юқори бўлган ҳудудларга киради. Мазкур 3та ҳудудда хорижий инвестициялар

иштирокида ташкил этилган йирик машинасозлик, металлургия ва тўқимачилик тармоқлари корхоналари жойлашганлиги сабабли уларда республиканинг барча ХИК экспортининг 80 фоизи шакллантирилади.

Ҳозирги кунда ана шундай номутаносибликлар юзага келмаслиги учун ҳар бир вилоятнинг инвестиция киритилиши лозим бўлган иқтисодиёт тармоқлари аниқланган.

Кейинги йилларда ташқи бозорларга маҳсулот чиқариш улушлари паст бўлган ҳудудларда ҳам экспорт салҳияти ўсишида ижобий ўзгаришлар қайд этилган. Экспорт ўсиши индексининг республика бўйича ўртача даражасидан юқори бўлган кўрсаткичлар Жиззах (3,5 маротабага), Қашқадарё (1,7 маротабага), Сурхондарё (3,4 маротабага), Сирдарё (2,6 маротабага) ва Хоразм (2,8 маротабага) вилоятларида қайд этилган. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида экспортнинг жадал ўсиши ҳисобига экспорт улуши 1 фоиздан кам бўлган ҳудудлар сони камайган.

Мамлакатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқёсларига боғлиқ. Инвестициялар республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳудудий тафовутлар ва номутаносибликларни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради. Ҳозирги кунда Сурхондарё, Жиззах ва Наманган каби баъзи вилоятлар ва кўплаб қишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётгани биринчи навбатда мазкур ҳудудларда замонавий корхоналар, кичик бизнес соҳаси, савдо тармоқлари, умуман инфратузилмани ривожлантиришга эътибор берилмаётгани билан боғлиқ, деб айтишга барча асосларимиз бор. Жиззах ва Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодиётини тизимли қайта қуришнинг муҳим омили сифатида чет эл инвестицияларни ушбу жараёнга фаол жалб қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва тузилмасини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олсинлар. Бундай ҳолатда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестицион жараёнини жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиш мумкин.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ҳудудларда қулай инвестиция муҳитини, бир қатор макроиқтисодий омилларини кескин даражада кучайтирилишини тақозо этади. Бу соҳада рўй бераётган жараёнлар воқеаларнинг шиддатли алмашинуви билан изоҳланади. Ҳудудларнинг иқтисодий ўсишини ва қулай инвестицион муҳитни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, жадаллаштиришда ҳал қилувчи ролни ишлаб чиқариш инвестициялари ўйнаши керак.

Фақат инвестициялар базасидагина асосий капитални янгилаш ҳамда шу асосда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сифатини яхшилаш эвазига маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин. Бироқ бу ҳозирги юксак даражада интеграциялашган хўжалик шароитида давлатнинг мувофиқлаштирувчи роли объектив равишда анча салмоқли бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан инвестиция муҳитни яхшилашда барча ҳудудларга олиб келаётган инвесторлар фаолиятига давлатнинг фаол аралашувига яқин йиллар мобайнидаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми сифатида қараш муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса стратегик мақсад – ҳудудлар иқтисодий ўсишини таъминлаш учун амалга оширилмоғи, бу рақобатбардошлик ва ҳудуд иқтисодиётнинг

барқарор ривожланиши мезонларига жавоб бериши лозим. Стратегик мақсадга эришиш қулай инвестицион муҳитни яратиш асосида таъминланиши мумкинки, инвестиция жараёнларини давлат йўли билан макро бошқариб туриш бундай режалаб туришнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Худудлардаги инвестицион муҳитини шакллантиришнинг ҳозирги босқичи иқтисодий ўсиш йўлига ўтиб олиш билан изоҳланади. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

Худудлар инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, худудларда қулай инвестицион муҳит яратишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Республика худудида инвестиция муҳит билан ўзаро боғланган амалга ошириш жараёнига қаратилган субъектлар таркибий ўзгартиришлар стратегияси маъносини чуқур англаб олишлари, глобаллашув, иқтисодиётларнинг халқаро рақобат ва ўзаро ҳамкорлиги натижаларини, мамлакат худудлари тараққиёти ва худудлар корхоналарининг халқаро бозорларга чиқиш истиқболларини олдиндан кўра билишлари керак. Буларнинг ҳаммаси инвестицион муҳитни фаол таъминлашда ишлаб чиқиш, танлаб олиш, амалга ошириш ва уларни ички манбалар ҳамда ташқаридан жалб қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш истиқболларини белгилашда асосий ўринда туради.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дама, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга

инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳудудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш республикамизда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади. Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутди. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгиловчи кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олти та элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гуруҳга бўлиш мумкин (2.2.2-жадвал).

2.2.2-жадвал

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари

№	Ҳудудлар	Ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиши	Ҳудуднинг молиявий ресурслар билан	Инвестицион инфратузилма ривож	Ҳудуднинг демография рафивотавси	Институционал ўзгаришлар ва ривожла	Ҳудуднинг инвестицион фаолият	Мутлақ интеграл ранг кўрсаткич
---	----------	--	------------------------------------	--------------------------------	----------------------------------	-------------------------------------	-------------------------------	--------------------------------

		даражаси	таъминоти	ланиш даражаси	фи	ниш даражаси	хавфсизлиги даражаси	
1	Қорақалпоғистон	0,0064	0,121	0,085	0,222	0,559	0,535	0,234
2	Андижон	0,341	0,151	0,276	0,426	0,560	0,594	0,367
3	Бухоро	0,304	0,144	0,165	0,413	0,509	0,511	0,315
4	Жиззах	0,198	0,049	0,075	0,388	0,496	0,506	0,151
5	Қашқадарё	0,362	0,542	0,266	0,382	0,370	0,386	0,382
6	Навоий	0,536	0,189	0,218	0,348	0,348	0,439	0,338
7	Наманган	0,141	0,118	0,183	0,374	0,531	0,554	0,285
8	Самарқанд	0,181	0,234	0,154	0,401	0,607	0,522	0,322
9	Сурхондарё	0,150	0,101	0,104	0,324	0,549	0,422	0,250
10	Сирдарё	0,185	0,037	0,147	0,320	0,317	0,723	0,247
11	Тошкент	0,434	0,197	0,366	0,493	0,611	0,362	0,404
12	Фарғона	0,317	0,241	0,331	0,470	0,289	0,573	0,347
13	Хоразм	0,171	0,113	0,199	0,310	0,529	0,535	0,284
14	Тошкент ш.	0,837	0,793	0,701	0,820	0,580	0,845	0,755

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг мавжуд қазиб олувчи ва қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Юқорида қайд этилган ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

Наманган вилояти ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва миқёсларига боғлиқ. Инвестициялар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳудудий тафовутлар ва номутаносибликларни қисқартиришнинг муҳим воситаси бўлиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳудудларда мавжуд табиий-иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришга имкон беради.

Наманган вилояти туманларидаги инвестицион муҳитини шакллантиришнинг ҳозирги босқичи иқтисодий ўсиш йўлига ўтиб олиш билан изоҳланади. Бундай ўсиш алоҳида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб этадики, у тараққий этган мамлакатлар тажрибасига, инвестиция ресурслари ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш сифатида маблағлардан фойдаланишнинг мавжуд имкониятларига таяниши лозим бўлади. Чет эл инвестицияларини жалб этмай туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини таъминлаш мумкин эмас.

Туманларда инвестиция жараёнларини изга солиб туришнинг иқтисодий асосларини яратиш, ишлаб чиқилган сиёсатни амалга оширишга имкон туғдирувчи шарт-шароитни таъминлаш инвестиция сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, ҳудудларда қулай инвестицион муҳит яратишга айнан шу йўл билан эришиш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айни дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Шунингдек, Наманган вилояти туманлар бўйича инвестициялар жалб қилиниши ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин (2.2.3-жадвал)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668 сонли қарорига асосан 2012 йилда марказлашган маблағлар ҳисобидан соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича янги қурилиш ҳисобига 100 қатновга эга 2 та ҚВП ва реконструкция ҳисобига 7 та ва 1 та капитал таъмирлаш жами 10 та (12590,3 млн.сўм) соғлиқни сақлаш муассасалари, реконструкция ҳисобига 2 та, капитал таъмирлаш ҳисобига 8 та жами 10 та (5339,6 млн.сўм) касб-хунар коллежлари, янги қурилиш ҳисобига 1 та, реконструкция ҳисобига 7 та ва капитал таъмирлаш ҳисобига 8 та жами 16 та (9168,8 млн.сўм) умумтаълим мактаблари ҳамда 21 та ичимлик суви (8201,8 млн.сўм) объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилади ва бу мақсадлар учун жами 35300,5 млн.сўм маблағ ажратилган.

Жорий йил якуни билан соғлиқни сақлаш муассасаларида 12469,8 млн.сўм, касб-хунар коллежларида 5449,2 млн.сўм, умумтаълим мактабларида 9301,2 млн.сўм ҳамда ичимлик суви объектларида 8443,9 млн.сўм жами 35,7 млрд.сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, вилоятда «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» ҳисобидан жами 14 та жумладан, 4 та мусиқа ва санъат мактаблари, 7 та мактаблар учун спорт зал, 2 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 1 та сузиш ҳавзаси объектлари учун жами 12944,6 млн.сўм маблағлар ўзлаштирилиши режалаштирилган. Жорий йил якуни билан ушбу объектларда 12932,7 млн.сўм миқдорида капитал маблағлар ўзлаштирилди.

Бунинг натижасида йил якуни билан жами **71 та объектлар фойдаланишга топширилди.** Шундан, янги қурилиш ҳисобидан **13 та** (2 та умумтаълим мактаблари, 2 та ҚШПлар ва 9 та болалалар спорт объектлари), реконструкция ҳисобидан **22 та** (7 та умумтаълим мактаблари, 7 та соғлиқни сақлаш объектлари, 5 та болалар спорт объектлари, 2 та касб-хунар коллежлари ҳамда 1 та бадиий-санъат лицейи), **16 та** капитал таъмирлаш ҳисобидан (8 та умумтаълим мактаблари ва 8 та касб-хунар коллежлари) объектлар фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, 20 та аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш объеклари фойдаланишга топширилди.

Республика инвестиция дастурига кирмаган лойиҳаларни ўз ичига олган вилоятнинг 2012 йилга мўлжалланган Худудий инвестиция *(Вилоят ҳокимининг 2012 йил 25 январ 39-сонли қарори)* дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур Дастурга асосан жорий йилда **92 та лойиҳалар (68 та янги қувват ва 24 та модернизация)** бўйича барча манбалар ҳисобидан **134,4 млрд.сўм** (банк кредити 83,7 млрд.сўм) миқдорида инвестициялар жалб этилиши белгиланган. *(2800 дан зиёд иш ўринлари яратилади).*

Жорий йил якуни билан 178 та *(енгил саноатда 77 та, озиқ-овқат саноатида 51 та, қурилиш материаллари саноатида 31 та, 19 та бошқа соҳаларда)* ишлаб чиқариш объеклари фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларда жами 66,2 млрд.сўм *(29,5 млрд.сўм банк кредити, 1,4 млрд.сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва 35,2 млрд.сўм корхоналар ўз маблағлари)* миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, 2042 та янги иш ўринлари ҳамда йилига 71,7 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668 сонли қарорига асосан вилоятда тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан **4 та лойиҳа доирасида жами 52,0 млн.долл.** маблағлар жалб этилиши белгиланган.

Жорий йил якуни билан ушбу лойиҳалар доирасида жами **24,9 млн.доллар** миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилди.

Жумладан,

1. Фарғона минтақасида Наманган-Тергачи ва Чуст-Поп инвестиция тизимларида геологик қидирув ишларини олиб бориш лойиҳасига 2012 йил давомида 20,0 млн.доллар миқдорида хорижий инвестиция киритиш белгиланган.

Лойиҳа бўйича 2012 йил 8 июндаги Тендер қўмитасининг йиғилишида таклифларни техник баҳолаш ва қудуқни синаш бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш учун тижорат таклифлари очилди.

Тендер қўмитасининг 19 июндаги йиғилишида қудуқни синаш бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш бўйича China National Logging Corp компанияси ғолиб деб топилди.

Поп туманидаги СР-Ех1 қудуғида жорий йил якуни билан 5800 пог.м. миқдорида бурғулаш ишлари ҳамда 22,4 млн.доллар миқдорида маблағлар ўзлаштирилди.

2. Мингбулоқ конида геологик қидирув ишларини олиб бориш ва тажриба-синов углеводород қазиб олиш лойиҳасига жорий йилда 30,0 млн.доллар миқдорида хоиржий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Лойиҳа бўйича Республика вазирлик ва идоралари томонидан билдирилган камчилик ва таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мингбулоқ конида нефтни қидириш-излаш ва қазиб олиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор лойиҳаси тайёрланиб Хитой Халқ Республикасидаги ҳамкорларга келишиш учун тақдим этилди.

Шунингдек, МХХ, ТИАИСВ, Марказийбанк (камчиликлар билан), Иқтисодиёт вазирлиги (камчиликлар билан) ва бошқа тегишли идоралардан лойиҳа бўйича визалар олинди. Берилган камчилик ва таклифлар Хитойлик ҳамкорларга етказилди. Ҳозирда ўрганиб чиқилмоқда.

3. "Хаин Текс" хорижий корхонасида калва ип ишлаб чиқариш лойиҳасига жорий йилда 1,0 млн.доллар миқдорида хоиржий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Вилоят хўжалик судининг 2012 йил 28 майдаги хулосасига асосан "HAIN TEX" хорижий корхонаси банкрот деб эълон қилинди. Шунга асосан

лойиҳани амалга ошириш тўхтатилди. Ҳозирда корхонанинг мавжуд қувватидан “Намимпекстестил” МЧЖ ижара асосида фойдаланмоқда.

4. "Водий ипаги" МЧЖда ипак ва аралаш матолар ишлаб чиқариш 1-босқич лойиҳасига 1,0 млн.доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 майдаги “Наманган вилоятидаги “VODIY IPAGI” масъулияти чекланган жамияти негизида ипакчилик комплексини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1748-сонли қароига асосан “Водий ипаги” МЧЖ негизида Сингапур давлатининг “VERIGROW PTE. LTD” компанияси ўратсида имзоланган инвестиция шартномасига мувофиқ, “VODIY IPAGI” МЧЖ мулкӣ мажмуасини сотиб олиш учун умумий қиймати 8,2 млрд.сўм тўловларни графикка асосан 8 йил давомида шу жумладан ушбу сумманинг 50 фоизини дастлабки 3 йилда тўлаб боришини ҳисобга олган ҳолда, 2012-2016 йиллар давомида лойиҳага камида 10,0 млн.долл. инвестиция киритиш.

2016 йил якунига қадар 240 тонна хом ипак ва 2 млн.кв.метр ипак газлама ишлаб чиқариш лойиҳа қувватига эришиш. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоизини экспортга чиқариш ҳамда 2016 йил 31 декабрга қадар ишлаб чиқаришни тўлиқ қувватда ташкил этиш ва 700 та янги иш ўринлари яратиш белгиланган. Ҳозирда корхонани топшириш ва қабул қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Корхонада жорий йилда 2,5 млн.долл. миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Шунингдек, Худудий инвестиция дастурига асосан **6 та лойиҳалар бўйича жами 13,2 млн.доллар** миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Жорий йил якуни билан ушбу лойиҳалар доирасида жами **3,6 млн.доллар** миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Жумладан:

1. Наманган шаҳридаги **“Учарчак”** хорижий корхонасида автомобиллар учун пластмасса деталлари ишлаб чиқариш лойиҳасига 500,0 минг доллар хорижий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Лойиҳа бўйича йил якуни билан 959,0 минг долларлик хорижий инвестициялар ва 268,5 минг долларлик корхона ўз маблағлари ўзлаштирилди.

2. **"Гудвил КБНП"** қўшма корхонасида чорвачилик ва паррандачилик учун дори-дармон ва витамин, минерал қўшимчалар ишлаб чиқариш лойиҳасига 600,0 минг доллар хорижий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Лойиҳа бўйича йил якуни билан 200,0 минг долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига ускуна ва жиҳозлар олиб келиниб ўрнатилди ва 20 та янги иш ўринлари яратилди.

3. **"Арт Софт текс" МЧЖ** негизида момиқ-сочиклар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш лойиҳасига 11,0 млн.доллар хорижий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Лойиҳа бўйича Наманган шаҳридан 18 га ер ажратиш ишлари ва 26,0 млн.долл. банк кредити олиш бўйича ҳужжатлар тақдим этилган. Шунингдек, лойиҳанинг ТЭОси ишлаб чиқилиб, "Ўзбекенгилсаноат" ДАК томонидан ижобий ҳулоса олинди. Лойиҳа қурилиши учун ер майдони ажратилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати кутилмоқда. Лойиҳа бўйича йил якуни билан ўз маблағлари ҳисобидан 150,0 млн.сўм миқдорида маблағлар ўзлаштирилди

4. Уйчи туманидаги **"Нафис Чарм" МЧЖ** хорижий инвестиция иштирокидаги корхонада тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳасига 530,0 минг доллар хорижий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Лойиҳа бўйича ишлаб чиқаришни кенайтириш учун Хитой давлатидаги "Alashankou Huariu trade LTD" савдо компаниясидан 799,7 минг доллар миқдорида қайта ишланган терини бўйаш ва ишлов бериш жиҳозларини келтирилди. Ҳозирда мавжуд бинони реконструкция ва монтаж қилиш ишларини корхона ўз ҳисобидан амалга оширилмоқда. 4-чорақда 62,3 минг долларлик электр генератор дастгоҳ олиб келинди.

5. Чуст туманидаги "Барион" МЧЖ негизда **“Чуст Дижитал Электроникс” МЧЖ**да телевизор, DVD плеърлар ва сигнал қабул қилиш ускуналарини ишлаб чиқариш лойиҳасига 440,0 минг доллар хорижий инвестиция киритиш режалаштирилган.

Мазкур лойиҳа бўйича хорижий ҳамкор томонидан лойиҳани амалга ошириш бўйича иштирок этмаслигини билдирди.

6. **"Дарина обувь"** кўшма корхонасида (*"Менатекс и К" МЧЖ, жисмоний шахс В.М.Семёнов, Россия*) аёллар ва спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш лойиҳасига 150,0 минг доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши белгиланган.

Лойиҳа жорий йилнинг март ойида ишга туширилиб, 25 та янги иш ўринлари яратилди. Корхона томонидан йил якуни билан белгиланган 150,0 минг доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 45,0 минг жуфт (320,0 млн.сўм) маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Йўл дастури бажарилиши. Наманган вилояти ҳудудида жами 3377 км умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб шундан, халқаро аҳамиятидаги йўллар 69 км, давлат аҳамиятидаги автомобил йўллари 1048 км ва маҳаллий аҳамиятидаги йўллар 2260 км ҳамда ички хўжаликларро йўллар 3781 км жами 7158 км автомобиль йўлларини ташкил этади.

Йил якуни билан барча объектларда 26,5 млрд.сўмлик иш ҳажмлари бажарилиб, 1 та халқаро аҳамиятидаги йўллар, 3 та давлат аҳамиятидаги йўллар ҳамда 4 та маҳаллий аҳамиятидаги йўллар 315 та ички хўжаликларро йўллар фойдаланишга топширилди.

Жумладан, **халқаро аҳамиятдаги 8** та умумфойдаланувдаги автомобил йўлларда йил якуни билан 14628,2 млн.сўмлик (режа 100 фоиз бажарилди) иш ҳажмлари бажарилди. **Давлат аҳамиятидаги 8** та умумфойдаланувдаги автомобил йўлларда йил якуни билан 2501,4 млн.сўмлик иш ҳажмлари бажарилди. **Маҳаллий аҳамиятдаги 14** та умумфойдаланувдаги автомобил йўлларда 1052,3 млн.сўмлик иш ҳажмлари бажарилди (режа 100 фоизга бажарилди).

Бундан ташқари, 320,1 км хўжаликлараро ички йўлларни жорий таъмирлаш ишларига 8448,0 млн.сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Жорий йил якуни билан 304,0 км узунликдаги хўжаликлараро ички йўлларни жорий таъмирланиб, 8279,0 млн.сўм маблағ сарфланди.

III-боб. Фаол инвестиция сиёсати шароитларида саноат корхоналарига инвестициялар жалб этишни такомиллаштириш йўллари.

3.1. Инвестиция киритилишини давлат томонидан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этади.

Бунинг учун мамлакатимизда инвестиция жараёнларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ишларини изчиллик билан амалга ошириб борилаётганлиги замин бўлиб, хизмат қилади. Жумладан, 1998 йилда қабул қилинган “Чет эл инвестициялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада ташланган биринчи қадам бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари амалга оширилишининг ҳуқуқий асослари ва тартиби белгилаб берилган. Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари:

- чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимга қўшилишига кўмаклашишдан;

- чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишдан иборат⁵.

Қабул қилинган ушбу қонуннинг 6-8-моддаларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги, шўъба

⁵ “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1998.1- модда.

корхоналар, филиаллар, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмаларни ташкил этиш тўғрисида, 10-моддасида чет эллик инвесторларни халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқлари белгилаб берилган. Шу боис, барча чет эл инвесторлари Ўзбекистон Республикаси қонун доирасидан чиқмаган ҳолда эркин фаолият юритишлари мумкин.

Ушбу келтирилган чет эл инвесторларининг ҳуқуқлари “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни орқали кафолатланган. Бу қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилайди. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича комплекс чораларни шакллантириш;

- чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестицияларининг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилаш⁶.

Қабул қилинган ушбу қонуннинг 3-8-моддаларида чет эллик инвесторларни ҳимоя қилиш, инвесторларнинг активларини давлат мулкига ацйлантришдан, маблағлардан фойдаланиш, уларни ўтказиш ва инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари белгилаб қўйилган.


Бу қонунларни тўлдирувчиси сифатида “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра, чет эл инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари чет эл инвестиция тўғрисидаги, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш

⁶ “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1998. 1-модда.

чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади⁷ деб, белгилаб қўйилган.


Шунингдек, ушбу қонунда асосий тушунчалар, инвестицияларнинг турлари, амалга ошириш шакллари, инвестиция ресурслари, фаолияти объектлари ва субъектлари тўғрисида батафсил баён этилган. Шунга қарамай иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида белгиланган ушбу қонун моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, такомиллаштириб борилади. Жумладан, Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинаётган хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилишни ва қабул қилинган инвестицияларни тармоқлар ҳамда ҳудудлар бўйича тақсимотини такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (3.1.1-расм)



3.1.1- расм. 2006-2010 йиллар давомида Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси (млн. АҚШ доллар ҳисобида)


⁷ “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1999. 1-модда.

Келтирилган маълумотларга эътибор қаратилса, 2006 йилда давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 76,3 фоизини тўғридан-тўғри инвестиция ташкил этган бўлса, 23,7 фоизини ҳукумат кафолати остидаги кредитдан иборат бўлган. 2008 йилда эса 2007 йилга нисбатан тўғридан-тўғри инвестиция жалб этиш дунёда ҳукм сураётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири натижасида 3.2 фоизга камайиб, 75,6 фоизни, ҳукумат кафолати остидаги кредит эса 24,4 фоизни ташкил этди. 2010 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2009 йилга нисбатан мамлакатимиз инвестицион лойиҳаларига киритилган тўғридан-тўғри инвестиция миқдори 0,9 фоизга камайиб, 83,9 фоиз ва 16,1 фоизга тенг бўлди. Албатта, 2006 йилга нисбатан қаралганда 2010 йилда хорижий инвесторлар томонидан киритилган тўғридан-тўғри инвестиция миқдори 7.6 фоизга ошганлигини, ҳукумат кафолати остидаги кредит эса худди шу миқдорда камайганлигини кўриш мумкин(3.1.2-расм).



3.1.2-расм. 2005-2010 йиллар Давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикаси (млн. АҚШ доллари ҳисобида)

3.1.2-расмда келтирилган маълумотларга кўра Давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиниши йиллар давомида ўсиб борган. 2010 йилда киритилган тўғридан-тўғри инвестиция миқдори 2006 йилга нисбатан 2211,92 млн. АҚШ доллари ҳисобида ўсган бўлиб, 2757,4 млн. АҚШ долларига етган. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган инвестицион муҳитни такомиллашганлигини ва амалдаги қонун ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда келтирилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширилганлигидан деб қараш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида инвестиция киритилишини давлат томонидан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари ҳар томонлама чуқур ўрганиш оқибатида унга ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштириш бўйича амалий ишларни бажарилиши тўғри йўлга қўйилганлигидан далолатдир(3.1.3-расм).



3.1.3-расм. Инвестиция муҳитига ижобий таъсир этувчи омиллар

Инвестиция киритилишини давлат томонидан қўллаб қувватлаш чора-тадбирларни амалга оширишда авваламбор 3.1.3-расмда келтирилган

омиллар таъсирини кучайтириш лозим. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган бир қатор фармон ва қарорлар хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабр ПҚ-1446 сонли Қарори доирасида, 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация, инфратузилмани ривожлантириш учун жами 6935,5 млн. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилинишини режалаштирилган. Жумладан, молиялаштириш манбаига кўра:

- хорижий инвестициялар ва кредитлар – 3235,9 млн. АҚШ доллар;
- Ўзбекистон Республикаси Тараққиёт ва Тикланиш Фонди – 461,1 млн.

долл.;

- Давлат бюджети ва мақсадли давлат фондлари – 1934,5 млн. доллар;
- ўз маблағлари – 1304 млн. АҚШ долларни ташкил қилади.

Бундан ташқари, 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантириш устувор йўналишларида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрда ПҚ-1442 сонли Қарори доирасида, 2011-2015 йилларда:

Молиялаштириш манбалари аниқланган лойиҳалар рўйхати бўйича:

- **29,4 млрд. доллар** қийматига эга **259 та йирик тармоқ лойиҳалари**,
- **642,2 млн. долларга** тенг **1064 та ҳудудий лойиҳаларни** амалга оширилиши режалаштирилган.

Ишлаб чиқиляётган янги инвестиция лойиҳалар рўйхати бўйича:


- **6,03 млрд. доллар** истиқбол қийматига эга **99 та йирик тармоқ лойиҳалари**,
- **412 млн. долларга** тенг **442 та ҳудудий лойиҳаларни** амалга оширилиши

Дастлабки ишлар олиб бориляётган янги устивор инвестиция лойиҳалар рўйхати бўйича:

- **10,6 млрд. доллар** истиқбол қийматига эга **158 та йирик тармоқ лойиҳалари**,

- **385.7 млн. долларга тенг 270 та худудий лойиҳаларни** амалга оширилиши белгиланган.

Ушбу дастурда белгиланган лойиҳалардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда белгиланган вазифаларни бажариш учун тайёргарлик кўриш билан бир каторда Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларни тармоқлараро тақсимотларини тўғри йўлга қўйишда самарали фаолият олиб борилмоқда(3.1.4-расм)



3.1.4-расм. 2010 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар тармоқ таркиби.

Ушбу расмда келтирилган маълумотларга эътибор қаратилса энг кўп инвестиция нефтьгаз тармоғига йўналтирилганини яъни, 60,1 фоиз, кейинги ўринда телекоммуникация тармоғига 11,0 ва учинчи ўринда транспорт соҳасига йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантириш ва барқарорлигини таъминлаш учун олиб бораётган иқтисодий ислохотларини нақадарп ўринли эканлигидан далолат беради.

3.2. Корхоналар самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш масалалари.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятининг ривожланиб бориши, фойда олишнинг турли йўллари амалга татбиқ этишга олиб келмоқда. Агарда аввал корхоналарда асосий даромад ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан иборат бўладиган бўлса, бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги шароитда инвестиция ва молиявий даромад олишга кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда инвестор олдида турган асосий мақсад оптимал инвестиция портфелини шакллантириш бўлиб, унинг ушбу портфел таркибига кирувчига инвестиция қимматликларини, бошқача айтганда, инвестиция мулк объектларини қандай жойлаштириши ҳам муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда инвестор мулкани қайси фаолиятга йўналтирилиши ҳам муҳим масалалар қаторига киради. Жумладан, инвестор мулки таркибида бўлган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мулклар кўпроқ жалб қилинса, унинг оладиган даромади янада ошиши мумкин. Инвестиция фаолиятининг воситаси ҳисобланган мулк барча ижтимоий-иқтисодий шаклланишларда ишлаб чиқариш муносабатларининг асосини ташкил этиб, уларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири қўшма корхоналар ҳисобланади. Қўшма корхоналар ташкил этиш корхона ва ташкилотларнинг чет эллик шериклар билан алоқасини юксалтиради, мамлакат ҳудудида хорижлик тадбиркорликларга кенг шароит яратади, мамлакат ҳудудига хорижий инвестицияларини жалб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири бу қўшма тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб берилишидир. Ҳозирги кунда хорижлик ишбилармонлар Ўзбекистонни ўзлари учун қулай ва ишончли шерик деб ҳисоблайдилар, чунки республикада хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳит яратилди. Натижада уларда ўз сармояларини

республикамизда жойлаштириш ва биз билан ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бормоқда. Республикамизда яратилган қулай инвестицион муҳитнинг асосий омиллари - республикамиздаги қулай сиёсий барқарорлик, бой хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, қўшма тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси яратилганлигидир.

Қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришни жадаллаштиради ва халқаро доирада мавқеи ортишига олиб келади. Қўшма корхоналарнинг аҳамиятли томони олинган фойдани тақсимлаш, сарфни қоплаш, корхона фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб боришдадир. Чет эл инвестицияларини республикамиз иқтисодиётига жалб этиш тўғрисидаги конун ҳужжатларига биноан, корхонанинг низом фондига таъсисчиларнинг ўз улуши бўйича иштирок этиши, корхоналарнинг мулки, акцияси ва бошқа турдаги қўғозларни сотиб олиши, маҳаллий фуқаролар билан биргаликда ёки мустақил равишда ерларни сотиб олиш кўринишларида кўпроқ жалб этилмоқда.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш мамлакатимизга:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;
- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;
- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин конвертация қилинадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Юқори техник савиядаги тайёр маҳсулотлар улуши оширилиши қуйидаги жиҳатларга боғлиқ:

- хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспорт қилувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;
- юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши соҳа ва соҳа ичи тизими яхшиланишига хизмат қилади;
- экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техник-тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш йўли билан республикамізда эришилган илмий-техник ютуқларнинг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш;
- илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини берувчи шарт-шароит яратувчи инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;
- инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул уйғунлашуви асосий йўллариини белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасигача етказиш;
- ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижорат ва технология менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси, сиғими ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш.

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий

тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш; бошқарувнинг янги усуллариини ўзлаштириш; замонавий ва энг қулай тартибга эришиш; маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш; хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш; ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат муҳити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: мамлакатда замонавий иш юритиш усулларииндан фойдаланиш имконияти; мустаҳкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш⁸.

Инвестицион фаоллик барча соҳа ва тармоқларда жадал суръатларда амалга ошириб келинмоқда. Биргина Давлат мулки қўмитаси томонидан 2011

⁸ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90-б.

йилда 135 та олди-сотди шартномаси бўйича инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши назоратга олинган. 2011 йилда 88,1 миллион доллар ва 22,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятлари бажарилган. Шундан 1 миллион доллар ва 18,5 миллиард сўмлик қисми “ноль” қийматда сотилган объектлар бўйича бажарилган инвестиция мажбуриятлари ҳисобланади.

Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши юксак даражада тараққий этишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлган. Аммо яна бир ҳақиқат мавжудки, чет эл инвестицияларини керагидан ортиқ жалб этиш ҳам мамлакатни иқтисодий ва сиёсий қарамликка олиб келиши мумкин.

3.3. Фаол инвестиция шароитларида саноат корхоналарида инвестицияларни тартибга солиш йўллари.

Ҳозирги кунда айниқса, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестициялаш ҳар қандай тижорат фаолиятининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Мавжуд моддий-техника базасини янгилаш, ишлаб чиқариш объектларини юксалтириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш инвестицияларга эҳтиёж туғдирадиган сабаблардир.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишнинг объектлари бу – соҳалар, тармоқлар, ҳудуд, ҳолат, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит ва инвестицион жараёнларни боришида туғилган ва туғилиш мумкин бўлган муаммолар ҳисобланиб, ушбу муаммоларни ечишда иқтисодиётни меъёрида ишлаб туриш ва ижтимоий бошқаришни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишнинг асосий объектлари

сифатида қуйидагиларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади(3.3.1-расм).



3.3.1-расм. Инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишнинг асосий объектлари.

Ушбу берилган расмни қуйидагича изоҳлаш мумкин: 1. Иқтисодий цикл барча томонлари билан намоён бўлиб, амалда иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги сабабли унинг ҳеч бир соҳаси инфляция тўлқини ёки турғунликнинг ноҳуш оқибатларидан четда қолмайди.

2. Хўжаликнинг сектор, тармоқ ва ҳудудий тузилмаси—бу ислохотларни амалга оширишда марказлаштиришни бартараф этишни, жойларда иқтисодни фаоллаштиришни, айниқса тадбиркорликни, мулкчиликнинг турли шакллари, рақобатга асосланган бозор муҳитини яратишга ундайди ва бу ўз навбатида иқтисодиётни ривожланишига ҳамда бозорларни сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилишига олиб келади.

3. Капитал йиғиш шароити—бу инвестицион муҳитни такомиллаштиришни, инвесторларни жалб қилиш йўллариани излаб топишни ҳамда капитални мамлакат миқёсида йиғишни талаб этилади. Ушбу тадбирни амалга ошириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон талаблари асосида ишлаб чиқарилишига ва экспорт қилинишига ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни таъминлайди. Ишлаб чиқаришда даромадни капитал қўйиш ва ўзлаштириш, бозор иқтисодиётида хўжалик фаолиятининг бош мақсади бўлиб хизмат қилади, шунинг учун давлат капитал жамғариш кенгаши, хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатлари билан биринчи ўринда мувофиқ бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида давлат капитал йиғишни тартибга солади. Ҳар хил вақтда инвесторларга тармоқ ёки ҳудудларнинг қўшимча имкониятлар яратиш билан тартибга солиш органлари шуғулланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Пул муомаласи. Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида ялпи миллий маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади. Пул таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгаришига олиб келади, у эса ўз навбатида, инвестицияларга бўлган талабнинг ўзгариши орқали ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этади.

Пул муомаласини тартибга солишнинг асосий йўналиши, иқтисодиёт учун жиддий хавф туғдирадиган инвестицияга қарши курашдир. Пул муомиласини тартибга солиш бошқа объектларга: капитал йиғиш шароитларига, нархларга, ижтимоий муносабатларга таъсир қилади. Инвестицияни жалб қилишда тўлов баланси мамлакатнинг соғлом иқтисодиёти учун асосий объектив кўрсаткичидир.

5. Тўлов баланси. Очiq иқтисодиётли кўплаб мамлакатлар ўз тўлов балансларини ХВФ (халқаро валюта фонди) тавсия этган тарх бўйича ишлаб чиқадилар. Бу тарх ривожланган бозор муносабатлари шароитида амалга ошириладиган барча иқтисодий операцияларда қўлланилади. Тўлов

балансининг маълумотлари мунтазам чоп этилади ва давлатнинг кредит қобилияти ҳақидаги гувоҳнома сифатида халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳамда тадбиркорлари томонидан кредитлаш ва молиялаштириш, молиявий, техника ва моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда қўлланилади. Тўлов балансини тезкор ва стратегик тартибга солиш, ҳар доим ҳамма мамлакатларда бозор хўжаликлари билан импорт ва экспортга, капитал ҳаракатига, миллий валюта курсига, савдосотик шартномалари сиёсатига ва халқаро иқтисодий интеграцияга катнашишига таъсир қилиш йўли билан амалга оширилади.

6. Нарх динамикаси ва тузилмаси иқтисодий ҳолатни акс эттиради. Ҳозирги вақтда нарх хўжалик тузилмасига, капитал йиғиш шароитига, миллий валюта барқарорлигига ва ижтимоий муҳитга кучли таъсир қилади. Бозор тизимида нархлар биринчидан, талаб ва таклифни тартибга солувчи асосий восита ҳисоблансада, бироқ дунёнинг барча мамлакатларида давлат нархларни шакллантириш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, савдо шароити ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчиларнинг бозорга мослашишига (эгиловчанлигига) боғлиқ бўлади.

Учинчидан, савдо шароити ишлаб чиқариш шароитлари ёки маҳсулотлар истеъмолидаги ўзгаришларга қараб ўзгаради.

7. Рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи механизм ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларни ўзига бўйсундирадиган ягона кучдир. Бозор тизимига бўйсунадиган ишлаб чиқарувчилар рақобат натижасида фойда олишни режалаштиради. Кимки бу қонунни бузса, зарар кўради ва оқибатда батомом инқирозга юз тутиши мумкин.

8. Ижтимоий муносабатлар. Бозор тизими ривожланиши билан мамлакат аҳолиси оладиган даромадлар ва қиладиган харажатлар ўртасида номутаносибликлар пайдо бўлади. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий аҳамиятга эга. Яъни, давлат жамиятдаги даромадлар

номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради. Бу вазифалар бир нечта сиёсий тадбирлар ва дастурларда ўз ечимини топади.

Биринчидан, трансферт тўловлари орқали ёрдамга муҳтож, боқиманда, ногирон ва ишсизларни нафақалар билан таъминлайди.

Иккинчидан, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради. Шунингдек, давлат “Минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонун” асосида аҳолининг айрим гуруҳлари даромадларини тенглаштириш учун баҳони тартибга солиб туради. Бундан ташқари аҳолидан олинadиган даромад солиқларининг фоизлар бўйича табақаланиши ҳам кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган тадбирларидан биридир;

9. Ташқи иқтисодий алоқалар. Халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва янги ҳамкорлар билан иқтисодий шартнома ҳамда битимларни йўлга қўйиш чора тадбирларни аниқлаш.

10. Мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. Инсон ресурслари аввало ёлланма ходимлар меҳнати ва инсонларнинг тадбиркорлик қобилиятларидан, тажриба ҳамда малакаларидан иборат.

11. Қўйилиш харажатлари – товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш учинчи бир томон учун қопланмайдиган харажатлар пайдо бўлганда юзага келади. Бу харажатларнинг кўпгина қисми атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ. Давлат харажатлари қўйилиши натижасида ресурслар номутаносиб тақсимланишининг олдини олиш учун қонунлар ва ўзига хос солиқлар қабул қилади.

12. Инвестицион муҳитнинг ҳолати. Мамлакатда инвесторлар қафолатланган юқори фойда олиши учун яратилган шарт-шароитлар хорижий инвесторлар оқимининг ўсишига олиб келувчи муҳим шартлардан биридир.

Демак, санаб ўтилган объектлар бутунлай бошқа-бошқа характер касб этсада, улар иқтисодиётни модернизациялаштириш шароитида барқарор ривожланишини таъминловчи бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган

омиллардир. Шу сабабдан, бизнинг фикримизча, юқорида келтирилган объектлар бўйича кенгроқ тушунча бериш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида мамлакат иқтисодийнинг узок муддат ва шиддат билан ўсишига олиб келади аммо бунинг натижасида хавфли ҳодисаларни туғилиши ҳам мумкин бунда, товар захираларини тугаши, импортни ошиши, тўлов балансини ёмонлашиши, таклиф устидан ишчи кучига талаб ва ойлик маошларининг ошиши кузатилади. Бу ҳолда макроиқтисодий тартибга солишнинг вазифаси талаб ошишини, ишлаб чиқаришни ва капитал қўйилишини секинлаштириш керак, чунки имкониятга қараб қайта ишлаб чиқаришни ва жамғармани қайта йиғишни қисқартириши лозим. Бу билан пайдо бўладиган ишлаб чиқаришни пасайиши, чуқурлашуви, давомийлигини ҳамда инвестицияни камайиши ва ишсизликни ошиши каби муаммоларни олдини олиш имкониятига эга бўлинади.

Шунингдек, иқтисодийни модернизация қилиш шароитида инвестицияни макроиқтисодий тартибга солиш орқали тармоқ ва ҳудудий тузилмаларга молиявий ва давлат капитали қўйилмаларга ажратиш йўли билан тушкун ҳолатда қолган корхоналарга ёрдам беришни оширади, алоҳида тармоқлар ва ҳудудларда шароит яратишни тартибга солишни таъминлайди. Бир тарафдан тармоқ ҳудудий бирикмаларни ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қўллаб-қувватлаш лозим бўлса, бошқа тарафдан янги тармоқ ва ишлаб чиқариш турлари кенгайтириш, тармоқ ичида тараққиёт бўлиши учун тузилмавий ўзгариш бўлишига ҳамда тармоқлараро самарадорлик ва рақобатбардошликни ошишига олиб келади.

Бу эса ўз навбатида макроиқтисодий тартибга солишда ишлаб чиқаришни бир жойда тўплашни фавқулодда тўхтатиш вазифалари қўйилишини келтириб чиқаради. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни жумладан, қишлоқларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам

корхоналарни куриш ва яратишни жадал ривожлантириш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янги сифат даражасига кўтариш асосида қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини ва турмуш даражасини оширишни амалда қўллаш орқали ижобий натижаларга олиб келиши кўзда тутилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестицияни макроиқтисодий тартибга солиш—бу бозор иқтисодиёти нуқтаи-назаридан ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги муносабатни мувофиқлаштиришга кўмаклашади. Бунда албатта, билим савияси кучли ва тартибли ишчилар иқтисодий талабни қондириш лозим бўлиб, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва таълим тўғрисида” ги қонунни изчиллик билан амалга оширилишида бу муаммони бартараф этиш кўзда тутилади. Ишчиларнинг меҳнатга бўлган ёндошувини ошириш учун ойлик маоши уларга етарли бўлиши, талаб ва таклиф ўртасидаги муносабат ойлик иш ҳақининг кескин ошишига олиб келмаслиги керак, акс ҳолда бу нарса миллий рақобатбардошликка таъсир кўрсатиб инвестиция самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин. Бандликни кескин пасайиши, ишсизликнинг кескин кўпайишига олиб келади. Бу ўз навбатида истеъмолчилар талабининг пасайиши, солиқ тушумининг камайишига оқибатда нафақа олувчиларни ўз вақтида таъминланмаслигига ва умумий ҳолда олганда ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келишига сабаб бўлади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётини тартибга солишда албатта давлат бош ислохотчи сифатида намоён бўлади. Бу ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир пайтда Республикамизда кўрсатиб ўтилган иқтисодий ислохотларнинг тамойилларидан бири Давлатнинг бош ислохотчи сифатида белгиланиши инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишга сабабчи бўлаётганлигини ривожланган давлатлар ҳам тан олишмоқда.

Давлат иқтисодиётни тартибга солишнинг санаб ўтилган воситалари қаторидан яна бири ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш воситаси

ҳисобланади. Амалда мамлакат ичидаги қайта ишлаб чиқариш жараёнида таъсир қилувчи ҳамма ричаглар ташқи иқтисодий алоқаларга асосий таъсирини ўтказади. Аммо ташқи чегара билан ҳўжалик алоқаларига узлуксиз таъсир этувчи маҳсус воситалар мавжуд бўлиб, булар жумласига: товарлар ва хизматлар, капитал рағбатлантиришни илмий-техник ва маъмурий усуллари тadbиқ этиш, экспортни кредитлашда экспорт ва инвестицияларга хорижда кафолат бериш, миқдорий чегарани киритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдодаги тўловларни ўзгариши, мамлакат иқтисодиётига ишлаб чиқаришга ҳамда сифатли саралаш(селекция соҳа йўналиши ва техник даража нуқтаи-назарда) сифатида хориждан кирувчи инвестицияларни киритишни чегаралаш ёки хорижий инвесторларнинг мамлакатдаги инвестицион муҳитга бўлган қизиқиши, халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиш, давлатлараро интеграцион уюшмаларга аъзо бўлиш каби воситалар киради.

Энди хорижий тажрибалардан ҳамда юқорида кўриб ўтилган маълумотлардан қолаверса, талаб ва таклиф ҳамда истеъмол ва жамғарма муносабатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестицияни макроиқтисодий тартибга солиш усуллари назарий асосларини кўриб чиқайлик.

Аввалам бор, шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай иқтисодий жараёнда назорат-бошқарувнинг муҳим функцияси бўлиб, у жамиятнинг иқтисодий ҳаётида объектив ҳодиса саналишига эътибор қаратилмоғи даркор. Бу борада умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатбардош лойиҳалар ва аниқ мақсадли вазифаларни ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, молиявий маблағларни бошқариш соҳасининг назорати тартибга солиш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади

Назорат фаолиятини амалга оширишда хужжатли назоратни маҳсус усулларидан, эксперт, баҳолаш, таҳлил усулларидан фойдаланиш мақсадга

мувофиқдир. Шунинг учун ҳам назорат фаолиятини такомиллаштириш лозим. Ушбу фаолиятни изчиллик билан олиб борилиши ўз навбатида мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга олиб келади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестицияни макроиқтисодий тартибга солишда хорижий инвестициялар оқимининг кўпайиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишида малакали кадрлар, аҳолининг ишбилармон қатлами ҳамда олимларнинг қисқа муддатли иқтисодий-илмий лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сармоялардан фойдаланиш эвазига мамлакатда замонавий технология ва ноу-хоуларнинг яратилиши, янги иқтисодий соҳа ва тармоқларнинг вужудга келиши каби кўплаб иқтисодий ўсишларга ҳам эътибор қаратилмоғи кўзда тутилмоғи даркор.

Ҳозирги кунда автомобил, кимё, электроника саноатида хорижий инвестициялар жалб қилинган корхоналарнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши инвестицияларни қабул қилган мамлакатга янги техника ва технологияларни, маркетинг ва янги бошқарув усуллари кириб келишини таъминлайди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа хорижий инвестицияларга нисбатан иккитта муҳим афзалликка эга:

Биринчидан, улар узок муддатли характерга эга, шу сабабли қисқа муддатли капиталларнинг чиқиб кетишини вужудга келтирмайди. Бу эса, жаҳон хўжалик алоқаларининг глобаллашуви ва байналминаллашуви шароитида макроиқтисодиёт барқарорликни сақлаб туриши учун муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлов мажбуриятларини вужудга келтирмайди ва шундан келиб чиққан ҳолда ташқи қарзларининг вужудга келиши ёки ошишига олиб келмайди. Бу айниқса, ташқи қарз жиддий муаммо бўлган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга. Албатта, бевосита хорижий инвестициялар жалб этиш инвестицияларни қабул қилаётган мамлакатлар учун ҳар доим ҳам фойдали

бўлавермайди. Амалиётда кузатилган ҳолатга кўра, инвестициядан самарали фойдаланиш учун инвестиция қабул қилаётган мамлакат ва хорижий инвесторлар манфаатлари бир-бирига мувофиқ келиши лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Мамлакатимизда енгил саноат корхоналарида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, инвестицион жараёнларни бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришни кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан тадқиқот натижаларига асосланиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Енгил саноат корхоналарини ҳар томонлама барқарор ривожлантириш учун қабул қилинадиган инвестицион лойихалар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- инвестициялар ёрдамида тежамкорлик билан ишлайдиган янги техника ва технологияларни олиб кириш;
- иқтисодий самарадорликка эришишда экологик мувозанатни таъминлаш;
- аҳолининг реал даромадларини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилаш;
- экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- саноатни хомашё бўлган талабини қондириш.

2. Иқтисодиётни эркинлаштиришда бозор ва давлат механизмлари мақбул нисбатда бўлгандагина барқарор ривожланишга эришилади. Бунда давлатнинг иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган инвестицион сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий барқарорлик сиёсати барқарор иқтисодий ўсишни белгиловчи самарадорлик мезонларига асосланган бўлиши унинг мукамаллигини оширади.

4. Амалга оширилган институционал ўзгаришлар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ўзининг ижобий натижаларини берган бўлишига қарамай енгил саноат корхоналарига киритилаётган инвестициялардан имконият даражада фойдаланиш муаммолари ҳалигача

давом этмоқда. Шу боис, ишлаб чиқаришга киритилаётган инвестицияларни йўналишини тўғри танлаш ва уни самарадорлигини пасайишига олиб келувчи омилларни ҳар томонлама мукамал ўрганиш лозим.

5. Республикамизда энгил саноат корхоналарига киритилаётган инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланишда энгил саноат корхоналари тараққий этган хорижий давлатлар тажрибасининг мос жиҳатларидан фойдаланиш биринчидан, таваккалчилик хавфини камайтиради, иккинчидан амалда синалган ва кафолатланган натижага эришишни таъминлайди.

6. Бугунги кунда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш яъни, тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолатгаров жамғармалари тизимини шакллантириш лозим.

Шунингдек, нафақат хорижий инвестициялардан балки, аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш мақсадга мувофиқдир.

7. Мавжуд энгил саноат корхоналарини маҳсулот ишлаб чиқаришини тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан

- кичик бизнес объектларига йўналтириш;

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;

- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш.

Белгиланган ушбу вазифаларни амалга ошириш мамлакат енгил саноат корхоналарини барқарор ривожлантиришга ва уларда хорикий инвестициялардан самарали фойдаланишга олиб келади ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Т.: Ўзбекистон, 2003—Б.32.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.—Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. —Б. 344.
3. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. // Солиқлар ва божхона.газетаси. 1999, №4.—Б. 1-2.
4. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ги Қонуни. // Солиқлар ва божхона. газетаси. 1998., №19.—Б. 1-2.
5. “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. // Солиқлар ва божхона. газетаси. 1998., №19.—Б. 1-2
6. “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни.// Халқ сўзи, 1999. № 36. —Б. 1-2.
7. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси нинг 2000-йил 25 майдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000.
8. “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2002-йил 5 апрелдаги қонуни. // Халқ сўзи. 2002 № 21. —Б. 1-2.
9. “Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг№610-сонли қарори. 2004-йил 28 декабрь.
10. “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2005 йил 11 апрель. // Халқ сўзи газетаси. 2005. —Б. 1-2.

11. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 2005 йил 14 июнь.// Халқ сўзи газетаси.2005–Б.1-2.
12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Вазирлар маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
13. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқамиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Вазирлар маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маъруза. // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
17. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
18. Абдурахимова С.А. Инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишнинг ташкилий-технологик асослари // Ж. Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. №6. Б. 12-15.

19. Абдурахимова С.А. Инвестиция жараёнларини макроиктисодий тартибга солишда самарадорликка эришишнинг услубий ёндашуви // Ж. Биржа эксперт. –Тошкент, 2010. №9. Б. 20-21
20. Абдурахимова С.А. Прспективы развития макроэкономического регулирования инвестиционных процессов в Узбекистане. –М.: Экономика и Финансы, 2001. № 2-3–С. 49-51
21. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения Учебник. – М.: Юрист, 2001.. – 368 с.
22. Агапова Т.А. Серегина С.Ф. Макроэкономика тесты учебное пособие изд. «АСА» 2003. –357с.
23. Адамов В.Е. Факторный индексный анализ. – М.: Статистика, 1997. – 416 с.
24. Афанасьев В.Н., Юзбашев М.М. Анализ временных рядов и прогнозирование. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 288 с.
25. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. Макроиктисодиёт – Т.: Дарслик. 2004. – Б. 240.
26. Балабанов И.Т. и др. Внешнеэкономические связи: учеб.пособ. – М.: ФиС, 1998. – 512 с.
27. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. 5-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2006. – 536 с.
28. Бирман Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов – М.: Банк и биржи, ЮНИТИ, 1997. – 631 с.
29. Байзаков С.Б. Оптимизация региональной экономики – М: Наука, 1998.
30. Байхонов Б.Т. Тўқимачилик саноати корхоналарида инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш. Номзодлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: ТДИУ, 2010 й. – 140 б.
31. Байхонов Б.Т. Результаты распределения межотраслевой инвестиции в экономике Республики Узбекистан–М.: Экономика и Финансы, 2001. № 2-3–С. 44-45.

32. Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодийни либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. –Т.: ТДИУ, 2005. – 310 б.
33. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2007. – 102 б
34. Бекмуродов А.Ш., У.В. Гафуров, Б.К.Тухлиев. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2008. – 120 б.
35. Ваҳабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. // и.ф.д., профессор А.В.Ваҳабовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: “Молия”, 2010. –Б. 328.
36. Васильков В.Ю., Василькова И.Н. Компьютерные технологии в математическом моделировании. Учеб.пособие для вузов– М., “Ф и С”, 2004.–
37. Велинские П.Л., Левшец В.Н., Смоляк С.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика: учеб. Пособ. –3-е изд. –М.: Дело, 2004.
38. Воробьев С.Н. Управление рисками в предпринимательстве. М.: Дашков и К, 2005. – 772 с.
39. Воркуев Б.Л. Модели макроэкономика М.ТЕИС. 2004. 230с.
40. Воронцовский А.В.. Инвестиции и финансирование. Изд. С.Петербургского университета, 1998. –520 с.
41. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие –М: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К о»2006 –138 стр.
42. Гулямов С.С. Климат для инвесторов, – Т.: Труд, 2005. – Б. 156.
43. Данильцев А.В. Международная торговля. Инструменты регулирования: учебно-практическое пособие. –Изд. 2-е перераб. –М.: Деловая литература, Палеотип, 2004.–313 с.

44. Исламович И.Ш. Инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. –Т.:ТДИУ, 2005 й.
45. Касимов Ю.Ф. Финансы и инвестиции: Инвестиционный процесс и его оценивание. Оптимальные портфели ценных бумаг. Активы с фиксированной доходностью. учебное пособие. Москва, Анкил, 2008г. -232с.
- 1 Кожухар И.О. практикум по экономической оценке инвестиций. Учебное пособие. 2-е изд. –М: Издательское торговая корпорация «Дашков и К о» 2006 –148 с.
46. Махмудов Н.М., Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –Б. 121.
47. НазароваГ.Г., НазароваР.Р., Юсупов А.С. Жаҳон иқтисодиётига интеграллашув: тажриба ва амалиёт–Т.: ТДИУ, 2005
48. Панов А. Н. Инвестиционное проектирование и управление проектами. учебное пособие. –М.: Экономика и Финансы, 2002 г. – 200 с.
49. Пардаев М.К. Лойиха таҳлили. Услугий қўлланма. –СамДУ.: 2001.
50. Парсаданов Г.А.,Прогнозирование национальной экономики –М.: Высшая школа, 2002 г.
51. Погорлецкий А.И. Экономика зарубежных стран. –С.П. 2000.
52. Ходов Р.Г. Государственное регулирование национальной экономикой. учебник. – М.: Экономист, 2004. –620 с.
53. Шарп У., Александер Г., Бейли Дж., Инвестиции: Пер.с англ. – М.: Инфра-М, 2010. – 1028 с.
54. Шермет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 237с.
55. Ғозибеков Д.Г. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари”. – Т.: “Молия”, 2003. – 332 б.
56. Н.Markowitz. Efficient Diversification of Investments.–New York:1997. – pp. 310
57. Giddy Ian H. Global Financial Markets. –Lexington, Mass.:D.C. Heath:1996.– pp. 325.

58. Z.Bodie, A.Kane, Alan J. Markus. INVESTMENTS.– USA.,1999.– pp. 937.
59. Keynes John Maynard. Treatise on Money. 2nd ed. –London: Macmillan.1995.– pp.347.
60. Samuelson Paul A. Risk and Uncertainty: A Fallacy of Large Numbers. Scientia, 1997.– pp. 215.
61. www.Rambler.ru
62. www.Goodle.ru
63. www.Yandex.ru
64. www.Referat.ru